




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2008 йилнинг 1 сентябридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилсин.
2. 2008 йилнинг 1 сентябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:
иш ҳақи — ойига 25040 сўм;
ёшга доир пенсиялар — ойига 49600 сўм;
ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 25040 сўм;
болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 49600 сўм;
зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 30040 сўм миқдоридан белгилансин.
3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўйиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болалик оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2008 йилнинг 1 сентябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.
4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муас-

сасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджет ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жағғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидидаги корхона ва ташкилотлар 2008 йилнинг 1 сентябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 5 мартдаги ПФ-3972-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2008 йилнинг 1 сентябридан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2008 йил 21 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИ МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Олий таълим муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш ва таълим-тарбия ишлари даражаси ҳамда сифатини оширишда уларни моддий рағбатлантиришнинг самарали механизмини жорий этиш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ҳамда соҳаларида эҳтиёж сезилаётган юқори малакали, рақобатдош кадрлар тайёрлашда профессор-ўқитувчилар таркиби кўшалаётган ҳиссани муносиб баҳолашини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий лавозим маошларига амалдаги доимий устама ва қўшимча тўловларни қўшган ҳолда такомиллаштирилган тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий таълим муассасалари ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 июлдаги ПФ-4014-сонли Фармонида мувофиқ бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилиши билан бир қаторда олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимларига жорий этилаётган базавий лавозим маошларини ўртача 25 фоиз миқдорда, жами эса 1,5 бараварга оширилиши назарда тутилсин.

3. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходим-

ларининг лавозим маошларига алоҳида иш шaroитлари, хорижий тилларни билиши, муайян хизмат муддатини адо этганлиги учун қўшимча ҳақ тўлаш ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа қўшимча ҳақ тўлашнинг амалдаги турлари ва миқдорлари сақлаб қолинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар мазкур қарорда белгиланган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларнинг ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда:

олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий лавозим маошларини;

Олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низомни тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2008 йил 24 июль



Бунёдкорлик

ИСТИҚЛОЛ ИНШОТЛАРИ БЎЙ ЧЎЗМОҚДА

Кейинги йилларда мамлакатимизда кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бунинг жойларда қурилаётган мактаб, коллеж ва турли хил иншоотлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Этиборга молик Қурилиш ишлари Навоий вилояти ҳокимлиги қошидаги Капитал қурилиш инжиниринг компанияси таркибидagi "Шарқ қурилиш сервис" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан амалга оширилмоқда. Фидойий қурувчилар замонавий қиёфага эга мазкур илм маканини қисқа муддатда қуриб, мустақиллигимизнинг 17 йиллик тўйига муносиб совға сифатида ҳозирлашни ният қилишган.



Суратда қурилиш ишларидан лавҳалар акс этган.
Носир ҲАЙДАРОВ олдган сурат.

МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР

Истиқлол берган имкониятлар туфайли биз инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланадиган демократик ҳуқуқий жамият қурмоқдамиз. Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари — жамиятни демократлаштириш ва мамлакатнинг модернизация қилишнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш борасидаги сазой-харажатлар ана шу жамият учун мустаҳкам пойдевор бўлиши аниқ.

Истиқлол йилларида давлат ҳокимиятининг барча тармоқларини, жумладан, қонунчилик соҳасини такомиллаштириш,

Заминимизда яшайтган одамларнинг муносиб ва эркин, фаровон ҳаётини таъминлаш, ҳар бир киши ҳуқуқ ва имкониятларидан тўлиқ фойдаланиши учун барча зарур шароитларни яратиш — жамиятимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш пайтида олдимизга қўйилган гоят муҳим вазифалардан бири.

Ислом КАРИМОВ.

қонунлар ижросининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш диққат марказда бўлиб келмоқда. Ушбу муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг асарларида, нуфузли анжуманлардаги маърузаларида батафсил баён этилиб, назарий ва илмий-амалий жиҳатдан асосланган ҳолда уларга ҳолисона баҳо берилиб, ютуқ ва камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш йўллари аниқ кўрсатиб келинмоқда.

(Давоми 2-бетда).

КОМИССИЯНИНГ БИРИНЧИ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика Идораларо комиссиясининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Республика Идораларо комиссияси раиси — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров олиб борди.

Комиссия жорий йилнинг 17 апрелида қабул қилинган "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан тузилган.

Республика Идораларо комиссиясининг асосий вазифалари сифатида ҳуқуқий муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат но-тиҳорат ташкилотлари ва ҳудудий идораларо комиссияларнинг одам савдосига қарши курашиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда

унинг самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни, шунингдек, жиноятларнинг бу турига қарши курашиш масалалари ҳақида аҳолини хабардор қилиш тадбирларини ташкил этиш деб белгиланган.

Комиссия йиғилишида одам савдосига қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Муҳофаза, ҳусу-сан, одам савдоси бугунги кунда бутун жаҳон ҳамжамияти учун долзарб муам-мо бўлиб, миграция жа-раёнларининг кучайиши оқибатида қамрови тобора кенгайиб бораётган бу трансмиллий жинсий фао-лият турига қарши кура-шиш — ҳар бир давлатнинг муҳим вазифаларидан бири экани таъкидланди.

Шулардан келиб чиқиб, республикада одам савдосига қарши курашишда барча ваколатли органлар ва ташкилотлар кучини

бирлаштириш ва ҳам-корликда ишлашни таш-кил этиш Идораларо комиссиясининг асосий мақсади эканлиги қайд этилди. Мажлис давоми-да давлат раҳбарининг қарори билан тасдиқлан-ган 2008 — 2010 йиллар-да одам савдосига қарши курашиш самарадорли-гини ошириш бўйича Миллий тадбирлар режа-сини амалга оширишнинг аниқ йўналишлари бел-гиланди ва Комиссия олди-га қўйилган вазифалар-ни самарали бажаришга қаратилган қатор таши-лий масалалар муҳокама қилинди.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Респу-блика Идораларо ко-миссиясининг йиғили-ши яқини бўйича қабул қилинган қарор ижро этиш учун тегишли идо-раларга юборилди.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссияси.

Муносабат

МЕҲНАТ ЛАНГАРИГА СУЯНГАН ҲАЁТ КЕМАСИ

Ўхшас Вазирлар Маҳкамаси Мажлисида қўрилган жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига бир назар

Мустақил Ўзбекистон ҳукумати истиқлолнинг илк кезла-риданок ўз фуқароларини доимий меҳнат билан таъмин-лашга, уларга қулай ва замонавий янги иш ўринлари яратиб беришга, айниқса, ҳаётга эндигина кириб келаётган ёш йигит-қизларнинг ўз ихтисосликлари бўйича муқим иш жой-ларига эга бўлишларига катта эътибор қаратиб келмоқда.

Биргина ўтган йили янги иш ўринларини ташкил этиш борасида қўрилган изчил чора-тадбирлар — иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли ўртасида ишсиз-лар сонини мамлакатимиз бўйича 5 фоизга камайтириш имконини берди. Бошқача айтганда, 630 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилиб, уларнинг қарийб учдан икки қисми қишлоқ жойларида очилди. 65 фоизга яқини кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш тармоқлари, 20 фоиздан ортиги қасаначилик соҳаси ҳиссасига тўғри келди.

Ривожланишнинг мақсадли комплекс дастурлари фаол амалга оширилиши туфайли жорий йилнинг биринчи яр-мида бу кўрсаткичлар ўтган йилнинг шу давrigа нисбатан янада юқори бўлди. Вужудга келтирилган 372,1 мингта янги иш ўринларининг 130,2 мингтаси хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, 132,6 мингтаси меҳнатнинг янги тури — қасаначилик улуши бўлди.

(Давоми 2-бетда).

Шукрона

НЕЪМАТЛАР СУЛТОНИ

Ғалла тайёрлаш давлат режаси бажарила-ни ҳақидаги хушхабар республикамиз аҳолиси қалбини қувончларга тўлдирди. Қалби гурурга тўла ғаллакорларимиз уйган хирмон 6 миллион 175 минг тоннадан ошиб кетди. Ҳосил-дорлик ҳар гектар ердан қарийб 50 центнер-данга тўғри келди.

Бу кўрсаткич Андижон, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида 50-60 центнердан ошган бўлса, айрим илғор фер-мерларнинг фидокорона меҳнати туфайли 70-80 центнерлик марралар ҳам забт этилди. Агар 1990-1991 йилларда жами 940 минг тонна ғалла етишти-рилганини, ҳар гектар май-дондан атиги 17 центнер-

дан ҳосил олинганини ёдга олсак, жорий йилда ғалла-чилик борасида нақадар кат-та ютуққа эришганимиз ўзи-нинг бор бўй-баста билан кўз ўнгимизда намоён бўла-ди. Мамлакатимизда кейин-ги уч йилда 18 миллион 475 минг тонна қирмизи дон тай-ёрлангани бу борадаги энг катта ютуғимиздир.

(Давоми 2-бетда).

МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР

(Давомий. Бошланғич 1-бета)

Фуқаролик жамиятининг асосий, шартларидан бири — бу қонунларнинг ҳар томонлама мукамал бўлиши баробарида жамият аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлиги талаб даражасида бўлиши ҳамда қонунлар устуворлигининг таъминланишидир. Ҳуқуқий маданиятнинг етарли бўлмаслиги ҳам қонунлар ижросига салбий таъсир кўрсатади. Фуқаролик жамиятида истикомат қиладиган ҳар бир инсон ўз жамиятининг кадр-қимматини, нуфузини, салоҳиятини оширишдан манфаатдор бўлиши, ўз юртидаги воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмаслиги, қонунларни ҳурмат қилиши, уларнинг барчага баробарлигини онгли равишда тан олиши шарт.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда фаолият олиб бораётган икки палатали Парламент жамиятнинг турли табақалари манфаатларини кўзловчи сиёсий партиялар нуфузининг орттиришига бирмунча кўмаклашди. Сиёсий партиялар сезиларли даражада таърибга орттирди, уларнинг мамлакатимизнинг нафақат сиёсий, балки ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарорлашувиди, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги, демократик жараёнларни такомиллаштиришдаги иштироки тобора ортиб бормоқда.

Кўп миллатли Ўзбекистон халқининг турли тоифа вакиллари ўзида жамлаган сиёсий партиялар фуқаролик жамияти қуриш жараёнида аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишдаги, мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ва сиёсий ислохотларни янада чуқурлаштиришдаги иштироки билан ўзларидаги салоҳиятини намоеён этиб, жамиятда етакчи куч эканлигини намоеён қилмоқда. Бу эса, сиёсий партияларнинг парламентнинг қуйи ва юқори палатасида фаолият олиб бораётган вакилларнинг давлатимиз қонунчилигини такомиллаштиришдаги, қонунлар ижодкорлиги ва амалдаги қонунлар ижросининг назорати билан боғлиқ фаолиятидаги иштирокида ўз ифодасини топомқда.

Бугунги кунда ишлаб чиқиладиган ва қабул қилинаётган қонунларда, аввало, сиёсий партияларнинг ҳолатидаги электроти орқали, аҳолининг аниқ талаб ва эҳтиёжлари инобатга олаётганлигини таъкидлаш жоиз. Ҳар томонлама мукамал, халқчил, шу билан бирга, халқаро ҳуқуқ нормаларига интеграциялашадиган қонунлар ишлаб чиқиш ва уларни такомиллаштириш учун қонунчилик фаолиятида айнан нимага эътибор қаратиш, қайси масалалар юзасидан аҳолининг, фуқароларнинг, соҳа мутахассисларининг фикрларини ҳамда халқаро таърибани чуқурроқ ўрганиш лозимлиги ҳусусида ҳам депутатлар томонидан мунтазам изланишлар олиб боришмоқда. Аммо сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги долзарб масалаларни ҳал этишдаги ролини хали

етарли даражада, деб бўлмайди.

Икки палатали Парламентнинг ўтган давр ичидаги фаолияти қонунчиликда ҳудудлар таъсирининг, демократия ва фикрлар хилма-хиллиги — плюрализмнинг кучайиб, аҳоли ижтимоий-сиёсий онгининг ошиб, қонунчилик ҳокимиятининг мустаҳкамлашиб бораётганлигини кўрсатди. Бу эса, ўз навбатида, жамиятнинг турли табақалари манфаатларини ҳимоя қилувчи сиёсий партиялар манфаатини ошириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада юксалтириш, уларнинг муҳим давлат масалаларини ҳал қилишдаги ролини кучайтириш ва бунда аҳолининг манфаатларини, ҳоҳиш-иродасини инобатга олиш заруратини юзасига келтирди. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2006 йилнинг ноябрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибда киритилган ва 2007 йили Қонунчилик палатаси ва Сенат томонидан қабул қилиниб, 2008 йилнинг 1 январидан қўлга кирган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонун ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддалари (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг 2-қисмига) тўзатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун моҳияти жиҳатидан жамиятимиздаги муҳим сиёсий партияларнинг амалий фаолиятида туб бурилиш ясади, давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида, шунингдек, ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатда туб ўзгаришларни амалга ошириш учун мустаҳкам пойдевор барпо этди.

Мазкур қонунларда қуйидагилар аниқ ва равшан белгилаб берилган: — янгидан шакллантирилган ҳуқуқнинг тугган йўлига, дастурига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари ёки ташаббускор гуруҳлардан сайланган депутатлар ўзларини муҳофизат деб эълон қилишлари мумкин. Ушбу ҳолат демократик ҳуқуқий фуқаролик жамиятигагина хос белгилардан биридир;

— сиёсий партиялар фракцияларининг блокка биришгани қонунда назарда тутилган ҳуқуқларни амалга оширишда уларнинг мустақиллигини чеklang қўймайди. Бу ҳолат, блокдаги қўйилмаган эга бўлган партиянинг ҳолатига етакчи бўлади, дегани эмас, балки блокдаги озчиликни ташкил қиладиган партия ҳам, агар лозим бўлса, ўзининг мустақил позициясини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгалигини билдиради;

— сиёсий партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси вакили Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашда қафоллатли ҳуқуққа эга. Бу эса, ишлаб чиқиладиган ва қабул қилинаётган қонунларда барча сиёсий партия-

лар томонидан билдирилган таклифларни баҳолашда ҳиддий эътиборни ҳамда турли фракциялар депутатлари манфаатларини ҳимоя қилишда қонун устуворлигини таъминлайди. Бундай тартиб қонунлар қабул қилишда аҳолининг барча тоифалари ҳоҳиш-иродаси, манфаатлари инобатга олинишига, қонунларнинг мукамал бўлишига олиб келиши аниқ.

— Қонунчилик палатасида кўпчилик партиянинг эгаллаган сиёсий партия фракцияси парламентдаги кўпчиликини ташкил этади;

— сиёсий партияларнинг Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларини ҳамда ҳуқуқат раҳбари — Бош Вазирни сайлаш ва тайинлаш, вазият тақозо этганда, уларни ўз вазифаларидан озод этиш (четлаштириш)да иштирок этишининг ўзи сиёсий партиялар халқчиллигининг, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришдаги ролининг, олиб борилаётган ислохотлардаги иштирокининг, шу билан бирга, халқ олдидagi масъулиятининг замон талабларига мос равишда ортиб бораётганига яққол далилди.

Бу жиҳатлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланганидек, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият экани жамиятимиз ривожига марказий бўлини эгаллаши билан бир қаторда, ушбу масала ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмаслиги, бугуннинг ва эртанги куннинг муҳим мавзуси бўлиб қолажигидан далолат беради.

Конституциявий Қонун мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислохотларнинг янада чуқурлашадиганидан, уларнинг амалга оширилишида инсон омилига бўлган эътиборнинг кучайтирилаётгани, "Қучли давлатдан қучли жамият сари" тамойилининг амалдаги самараларидан дарак беради. Бу эса, демократик жараёнлар учун, Ўзбекистоннинг келажакдаги барқарор тараққиёти учун мустаҳкам замин яратди ва сиёсий партияларга имкониятлар эшигини очиб берди ҳамда улар зиммасига улкан масъулият, долзарб вазифаларни юкллади. Партияларнинг келажакдаги нуфузи, салоҳияти, мазкур Қонун яратиб берган имкониятлардан қай даражада фойдалана олиши ва ўзини халқ орасида намоеён этиши кўп жиҳатдан уларнинг ўз электроти сифати ва сонига, улар ишончини оқлашига, ўз фаолиятида халқ ҳоҳиш ва иродасини қай даражада намоеён этишига боғлиқ. Шундай экан, партиялар бугунги куннинг талаб ва эҳтиёжларини, ҳал этилиши лозим бўлган долзарб ҳаётий вазифаларини инобатга олган ҳолда ҳамма халқ билан бирга бўлишлари тақозо этилади. Бунинг учун улкан салоҳият, қуч-қудрат ва қатъийлик баробарида фидойилик талаб этилади.

Зухра БОТИРОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
"Адолат" СДП фракцияси аъзоси.



ЖОНБОЗЛИК — ЭНГ МУҲИМ ОМИЛ



Чуст тумани партия Кенгашида "Ҳудудий

партия Кенгашларининг партиявий фаолиятини кенгайтириш ва ишга ёндашувини янгилаш борасидаги асосий вазифалар" мавзусида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Тадбирда туман партия ташкилоти ишчи янада қайтагириш масаласи семинар иш-

тирокчилари диққат-эътиборида бўлди.

— Аҳолини партия гоя ва дастурлари билан яқиндан таништириш, партиямизга хайрихоҳ инсонларни жипслаштириш борасида қатор амалий ишлар қилинмоқда, — дейди туман Кенгаши биринчи котиби Абдуғаффор Қосимов. —

Ўтказётган тадбирларимизда асосан ана шунга

катта эътибор бераёلمиз. Негаки, шу орқали халқ орасига кириш, муаммоларни ўрганиш ва бартараф этишга кўмаклашиш, бир сўз билан айтганда, одамлар ишончини қозониш мумкин.

Тадбирда аъзолар сонини янада кўпайтириш, ташаббускор, фаол ва жонқуяр ёшларни партия сафига жалб этиш туман Кенгаши олдидagi муҳим вазифалардан бири экани айтиб ўтилди. Фаолиятдаги камчиликлар кўрсатилар экан, уларни бартараф этишда жонбозлик кўрсатиш муҳим аҳамиятга эгалиги таъкидланди.

Сайид ОЛИМ,
"Адолат" мухбири.

«ПЛАСТПОЛИМЕР»НИНГ ДАДИЛ ОДИМИ

Самарқанд туманидаги "Пластполимер" корхонаси қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун идиш-курилмалар тайёрлашга ихтисослашган. Бу ерда юқори унумли технология асосида кунга 1500

ана шундай идишлар ишлаб


чиқарилмоқда. Вилоятдаги қайта ишлаш ва мева-сабзавот тайёрлаш корхоналаридан кўплаб микдорда бюртма олган корхона жамоаси шу хилдаги полимер идишларни четдан харид қилишга сарфланадиган валюта маб-

лағларини тежашга ўз хиссасини қўшмоқда.

Суратларда: 1. Тайёр идишлар бўлимида иш қизгин.

2. Корхона оператори Ҳамза Қулизода.

Зохир Тўрақулов олган сурат.



САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ НАВОИЙДА

"ЭКОСАН-Ўзбекистон темир йўллари" саломатлик поезда Навоий вилоятига етиб келди. Ўнда умумий қиймати 50 миллион сўмлик кийим-кечак, пойабзал, санитария-гигиена ва бошқа халқ истеъмол моллари мавжуд бўлиб, у жорий йилнинг ўзида ташкил қилинган ўн еттинчи саломатлик поездидир. Сало-

матлик позларини ташкил қилишдан асосий мақсад — аҳолининг кам таъминланган қатламни ижтимоий ҳимоя қилишдан иборат.

Мазкур ёрдам вилоятда галла йиғим-теримига фаол иштирок этган ёш галларчиларга, фермерларга, ижтимоий соҳа объектига, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оила-

га топширилади. Йил бошидан "ЭКОСАН" саломатлик поездлари Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона, Хоразм, Қашқадарё вилоятларига юборилган эди. Улар орқали жами 700 миллион сўмлик кундалик турмуш учун зарур бўлган моллар муҳтож оилаларга етказилди.

Муносабат

(Давомий. Бошланғич 1-бета)

Яратилган ва яратилаётган янги иш ўринлари, шубҳасиз, нафақат одамларнинг бойлик ёхуд даромад манбаи балки, жамиятимиз бойлиги ҳамдир. Зеро, ҳаётда ҳар қандай жамиятнинг бутун бойлиги беистисно ўша жамият меҳнати билан белгиланади.

Ўтган ҳафтада Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қайд этилганидек, йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда ялли ички маҳсулотнинг ўсиши 9,3 фоизни ташкил этиб, санаот ишлаб чиқариши ҳамда қишлоқ ҳўжалиги 12,2, истеъмол буюмлари тайёрлаш 16,6, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 5,4, чакана товар айланмаси 14,4, пулли хизматлар кўрсатиш 18,9 фоизга ўсди. Буларнинг ҳаммаси Ватан, халқ ва жамият бойлиги бўлиб, жамиятимиз аъзолари меҳнати билан яратган ҳаётимизнинг бекиёс манбалари ҳисобланади.

Бу манбалар аҳолини, хусусан ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, улар учун янги иш ўринлари ташкил этиш, ёш оилаларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш, ёшлар таълимий сифатини ошириш бўйича қўзланган қатор тадбирларнинг амалга ошири-

МЕҲНАТ ЛАНГАРИГА СУЯНГАН ҲАЁТ КЕМАСИ

Ёхуд Вазирлар Маҳкамаси Мажлисида қўрилган жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлигида бир назар

лишига йўналтирилиши, табиий. Масалан, ўтган олти ой ичида айни шундай тадбирларни молиялаштиришга 702 миллиард сўм маблағ ажратилди. Ёш оилаларга уй-жойлар сотиб олиш, уларни реконструкция қилиш ва қуриш учун 17,1 миллиард сўм имтиёзли ипотека кредитлари берилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакат иқтисодий тармоқларини изчил модернизациялаш, замонавий технологияларни жорий қилиш, пировардикда янги иш ўринлари, айниқса, уларни қишлоқ жойларда бунёд этиш ва шу тариқа аҳолининг иш билан бандлиги ҳамда турмуш даражасини ошириш масалаларига доимо катта ургў бериб, ижросига ҳукуматимиз диққат-эътиборини қарата-

ётгани сабаби — Ўзбекистон халқи ҳеч қимдан кам бўлмаган, кам эмас ва кам ҳам бўлмаган деган тамойил намоеён бўлиши йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз фақат ва фақат халқимиз бахт-саодати қўзланган эътилоққа йўналтирилган.

Биласиз, янги иш ўринлари, бу — уларда меҳнат қилаётган кишилар билан — уларнинг меҳнатлари фойда келтирилган жамият ўртасида мустаҳкам, ишончли алоқа ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, янги иш ўринларига эга бўлган мамлакатимиз фуқаролари, хусусан, коллежаларни ва ўқув юртларини битирган ёш мутахассисларнинг шижоатли меҳнатлари самараси ўларок, ўтган олти ой ичида ҳамма соҳада бўлган каби мамла-

Шунингдек, мажлисда

қишлоқ жойларда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, озиқ-овқат бозорини барқарор таъминлаш, мева-сабзавот маҳсулотларини ҳозирлаш ишларини ташкил этиш, чорва моллари бош сони ва сўғориладиган ерларда озуқа эканлиги майдонларини кўпайтириш, янги ҳосил йиғиштириб олинишига қадар мавсум оралигида аҳолига барқарор сотиш учун етарли микдорда мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка ҳамда полиз эканлиги маҳсулотлари қамлаш каби қатор масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилдики, улар замирида инсон ва жамият ўртасидаги ишончли алоқа ришталарини янада мустаҳкамлаш эзгу ниятлари мустаҳкам топди.

Таъбир жоиз бўлса, шундай бир ўхшатиш билан айтганда, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2008 йил биринчи ярим йиллиги яқунлари — меҳнат лангарига суянган ҳаётимиз ва фаолиятимиз кемасининг музаффарона сузишига қиёс. Дарвоқе, меҳнат лангарига суянган ҳаёт кемаси катта нахрда сузиш борасида бошқа кемалардан ҳеч қачон ортда қолмаган ва қолмайди ҳам.

Помоз САДУЛЛАЕВ.

Шукрона

НЕЪМАТЛАР СУЛТОНИ

(Давомий. Бошланғич 1-бета)

Галлачиллик соҳасида эришилаётган ютуқлар сабабини бу борада ислохотларнинг изчил амалга оширилганида, Президентимизнинг ташаббуси билан галла майдонларининг кенгайтирилиши, ерларнинг ҳақиқий эгалари — фермерларга берилганида, дея эътибор этиш зарур. Қолаверса, дон уруғчилигига катта эътибор берилгани бу соҳага оид илғор агротехнологияларнинг ишлаб чиқиши, унумли комбайнлардан билимдонлик билан фойдаланиш каби тадбирлар эришилган галабанинг асосий омилларидан бўлди.

Ушбу сатрларни ёзар эканман, юз бераётган жараёнлардан қувониб ўтириб, болалиқда хотираларим ёдимга тушди...

Эсимда, болалик чоғимизда ҳовлимизда онам ётиларди. Айниқса, нонушта чоғида онам дастурхонимизга янги ёпилган нонни ушатиб қўйганларида уйимизни ажиб бир ҳид тўтиб кетишини халӣ-ҳануз ички бир энтикиш, ҳаяжон билан эслайман. Дунёга келиб эсимизни танганимиздан сўнг энг кўп айтидиган сўзимиз ҳам, энг кўп истеъмол қиладиганимиз ҳам, қадрлайдиганимиз ҳам — НОН. Шундан бўлса керак, халқимизнинг нон билан боғлиқ кўплаб урф-одатлари йиллар оша авлоддан-авлодга ўтиб давом этиб келмоқда. Масалан, қақалок бешиқда ётганида бошининг тагига нон қўйилади, йигит киши узоқ сафарга кетаётганида нон тишлатиб: "Ой бориб, омон қайт", — дейилади, қақалокнинг илк қадам ташлашида оёғининг орасидан нон юмалайтилади... Буларнинг барчаси нонга бўлган

иззат-икромнинг тасдиғи ҳисобланади. Бундан ташқари, кечқурун кўчага чиқадиганларга ёши улугларимиз: "Йўлда ҳамроҳинг бўлади", — деб нон берадилар.

Баъзан кўча-қуйда каттагина нон бўлакларининг оёқ остида хор бўлиб ётганини ёки ошхона ва кафелар, овқатланиш масканларида стол устида қолиб кетган нон бўлакларини, кишиларимизнинг бундай ҳолатларга беэътиборлигини кўриб қайфиятимиз бузилади. Ачинарлиси, ерда ётган нонга ҳа деганда биров қарамайди, тўй-ҳашам, маъракаларда эса стол устида ушатилган нон бўлаклари бўлишига қарамай, қайтадан нон синдирилаверади, синдираверилади...

Нон инсон меҳнати, унинг билими, таърибаси натижасида юзага келади. Шунинг учун галла етиштириш учун олиб борилаётган машаққатли меҳнатни ҳар бир юрдошимиз англаб етиши учун ҳали жуда кўп маърифий ишлар олиб бормоғимиз, айниқса, фарзандларимиз онгда донга ва нонга, унинг бунёдкори бўлиши Ҳазрати деҳқонга чуқур ҳурмат ҳиссини тарбияламоғимиз лозим. Токи, ўлиқларимиз онни қадрлаш, эъзозлаш фарз-у қарз эканини билишимиз.

Тўқинчилик тимсоли бўлган нонни эъзозлаш, унинг қадрини доимо бонанд тутиш, бугўдодан нон тайёрлангунча озмуна меҳнат, вақт, сарф-ҳаражат кетишини ёшларимиз тўғри тушунадиган бўлишлари учун биз — ёши катталар бор билимимиз, малакамизни, ўзимиздаги ибратимизни намоеён қилмоғимиз лозим.

Шавкат ЕҒУБОВ,
Тошкент автомобиль ва йўллар
касб-ҳунар коллежсининг масъул ходими.

Модернизациялаш — истиқбол йули

ИСТИҚБОЛЛИ КОРХОНА

Жиззах воҳасининг Дўстлик туманида жойлашган, 2004 йилда 40 нафар ишчи-хизматчилар билан иш бошлаган ёғ заводида бундан кейин 220 киши меҳнат қилади.

Вилоят марказидан қарийб 60 километр узоқликда жойлашган Дўстлик туманига иқтисодий сафарга отландим. Мен ва яна уч йўловчини ортмоқлаган "Нексия" туман маркази томон елдек учиб борар эди. Ёши етмишларни қоралган ҳамроҳим: "Йул бўлсин, болам?" — дея менга қаради.

— Дўстликка отахон. Одамларнинг турмуши, уларнинг яшаш тарзини ақо эйтирувчи мақола тайёрламоқчиман.



— Отанга раҳмат, муҳбир болам, шундайин замоналарга етиб келганимизга шукр. Бугунги дорилоним замонада яратилган шартонлар ҳақида ёз. Ёзганда ҳам қийолий қилиб ёз. Мустақилликдан сўнг элни эриклаб биз ҳам фермер бўлгандик. Ха, айтгандай отим — Рискул. Сен бораётган туманинг "Қосим Раҳимов" сувдан фойдаланувчилар уюшма ҳудудида

яшайман. Ўзим аслида бахмалликман. Чигитимизни кўтариб ҳали қарасанг, Гулистонга, ҳали қарасанг, Гулгўлга чопардик. Энди эса ёнгинамизда ёғ заводимиз бор! Шу қадар яқинки, ҳатто олинаётган ёғнинг ҳиди ҳовлимизга етиб, димоғни қитқилайди. Бошқаларни билмадим-у, мен кўпроқ пахта етиштириб, чигитини шу зовўтга топширсам-да, шрот билан шуҳасини тезроқ олсам, деб ҳар йили йиғим-терим мавсумини кутаман.

Отахоннинг соддадиллиги билан айтаётган ҳар бир сўзини тинглаб бордин. Бахмалликларга ҳос шевада истиқлол бераётган неъматлар ҳақида шукроналик билан сўзлаб берган отанинг чечрасидан нур таралиб турарди. Соч-соқолига оқ оралаган Рискул ота билан суҳбатлашиб туман марказига етиб борганимизни ҳам билмай қолибман. Нуруний би-

лан хайрлашиб туман ҳокимлигига йўл олдим.

Туман ҳокими ўринбосари Анвар Шербеков сўнги йилларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ошгани рақамлар билан қўрашга ҳаракат қилди:


— Утган йилнинг шу даврига нисбатан 536 миллион сўмдан зиёд халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Бунинг асосий сабаби — туманда саноат корхоналари модернизациялаш билан бир қаторда янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этганимиздир. Сўзимнинг исботи сифатида Индонезия технологияси асосида сутни қайта ишлаш корхонасини олишимиз мумкин. Бугун мазкур корхонада 10 хилдан зиёд сўт маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Келинг, минг эшитгандан бир кўрган афзал, дегандек корхоналаримизни ўзингиз кўра қолинг.

Шундан сўнг, "Нури дон" масъулияти чекланган жамияти томон йўлга тушдик. Корхона шундоқкина Дўстлик шаҳрининг биқинида жойлашган экан. Бундан тўрт йил муқаддам бунёд этилган корхонада бугун иш қизғин. "Нури дон" корхонасини экстракцияли технология асосида қайта қуриш ишлари бошлаб бораётган. Хўш экстракция нима?

Маълумки, чигитнинг мойини олиш учун у ювилиб, бегона чиқиндилардан тозалангач, дастохларда янчилади. Сўнг мойи-мойга, қолдиғи-қолдиққа ажралади. Мойига махсус тозалаш моддалари қўшилгандан сўнг қайнатилиб, сўзгич-фильтрлағичлардан ўтказилади. Зарарли моддалардан ҳолос этилиб, истеъмолчиларга етказиб берилади. Оқддий, қўлбола жувоз мойлари ана

шу моддалардан тозаланмаслиги сабабли ҳам истеъмолга яроқли эмас.

Мойи олинган, чигит қолдиғи кунжара сифатида солинади. Лекин унинг таркибиде ҳам анчагина мой қолади. Энди ана шу мойни тўлиқ ажратиб олиш учун уни қайтадан кучли босим билан



майдалаб, сиқиб сўнг ишлов бериш керак. Бу жараён "экстракция" дейилади. Корхонага экстракция қурилмаларини олиб келиб ўрнатиш жараёнини эса бошлаб юборилибди.

— Бундан ташқари, деэодрация ва қадоклаш қурилмаларини ҳам олиб келаямиз, — дейди корхона раҳбари Юсуф Қодиров. — Хитой ва Россия технологияси асосида модернизация қилинган ушбу корхонага 800 минг АҚШ доллари миқдорда асбоб-ускуналар олиб келинди. Шу билан бир қаторда қурилиш монтаж ишлари учун "Савдогар" банкнинг туман бўлимида 280 миллион сўм кредит олди. Корхона қайта модернизация қилингандан сўнг суткасига 300 тонна чигитни қайта ишлаш ҳисобига 4 турда маҳ-

сулот ишлаб чиқарилади. Энг муҳими, 54 минг тонна атрофида пахта ёғи истеъмолчиларга етказиб берилади. Корхонадаги энг сўнги янгилик — эндиликда ишлаб чиқарилган пахта ёғи шу ернинг ўзиде қадоклашиб истеъмолчиларга туҳфа этилади.



Яна бир яхши хабар: корхона тўлиқ қувват билан ишласа, 220 дан зиёд маҳаллий ёшлар иш билан таъминланади. Жамоа раҳбарининг айтишича, уларнинг ўртача ойлик маоши 250-300 минг сўмни ташкил этаркан.

Дўстлик туманига кўп марта бориб, қатор мақолалар ёзганман. Аммо бугун тумандаги бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари билан қарама-қарши бўлдим. Балки тумандаги бу ишлар республика миқёсида катта воқеа бўлиб қўйинмас, лекин бу ерлик инсонларнинг юрагига бу каби эзгу ишлар бир умрга муҳрлиб қолиши табиий.

Муҳимбой ИСМОИЛОВ, "Адолат" муҳбири.

2008 йил — Ёшлар йили

КЕЛАЖАК УЧУН МАСЪУЛМИЗ

Ҳар бир маърифатпарвар миллат ўз келажagini шу юрт ёшлари тимсолида кўрар экан, ёш авлод тарбияси учун улкан масъулият ҳис этади. Уларнинг таълим-тарбияси, ижтимоий ҳимоясига зарур шароитларни ҳозирлайди. Айни шундай масъулият туфайли юртимизда ёшлар камолоти масаласи давлат сиёсатида устувор аҳамият касб этмоқда. Эл қорига ярайдиган ворисларни тарбиялаш ишига Хоразм вилоятида ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Вилоятнинг аҳолисининг кўпроқ қисмида кўпрогини воқеа етмаганлар ташкил этади. Уларнинг таълим-тарбияси учун эса барча шарт-шароитлар яратилган. 3 та олий ўқув юрти, 4 та академик лицей ва 74 та касб-хунар коллежларида етмиш минг нафарга яқин талабалар илм силарини ўрганаётган бўлсалар, 534 та умумий таълим мактабларида уч юз минг нафардан зиёд ўқувчилар тахсил олишмоқда. Мактаб таълимининг ривожлантириш умуллий дасури асосида вилоятнинг кўплаб таълим муассасалари янгидан қурилди.

Маъжудлари таъмирланган, утган йили битта мактаб янгидан қурилиб, 26 тасиде капитал таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга оширилди. 9 та касб-хунар коллежлари янгидан қурилди.

Коллеж битирувчиларининг ишга жойлашуви ва меҳнат жамоасига мослашувига кўмаклашиш ҳам му-

ҳим ҳисобланади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, вилоят бўйича йилнинг дастлабки беш ойи давомида 29 та меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Минглаб ёшлар эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишлаш имконига эга бўлдилар.

"Ёшлар йили" давлат дасурининг ижросини таъминлаш, хусусан, ёш оилаларга имтиёзли кредитлар бериш масаласи ижобий ечим топмоқда. Ҳозиргача 83.000 нафар ёш оилаларга уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва уй сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар ажратилди. Истеъмол кредитлари бериш амалиётидан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Ҳозирги кунга қадар 620 нафардан зиёд кам таъминланган оилалар қорамол билан бепул таъминландилар. Бу тадбирларнинг йил охиригача давом этиши режалаштирилган.

Ёшларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларида зарур ҳуқуқий билимга эга бўлишлари зарур. Шу боисдан ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга катта эътибор берилмоқда. Мактаб, коллеж ва олий ўқув муассасалари талабалари даврасига қириб, суд-ҳуқуқ тизимига ўзгаришлар, жиноий жазоларни либераллаштиришнинг аҳамияти, республи-

ликада ўлим жазосини бекор қилиш ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга берилишидан қўзланган мақсадлар ҳусусида кенг тарғибот тадбирлари ўтказилди. Янги қабул қилинган қонунлар тарғиботига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Республика Президентининг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дасури" тўғрисидаги фармони асосида кенг аҳоли қатламлари ўртасида тарғибот ишлари олиб борилаётир.

Бошқарма томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, айниқса ёш тадбиркорларга амалий ҳуқуқий ёрдам бериш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Ёшларнинг ўз бизнесларини бошлашлари учун рўйхатга олишдан тортиб кредит билан таъминлашгача бўлган жараёнда амалий ёрдамлар кўрсатилаётти. Йилнинг ўтган даврида бошқармада тадбиркорлардан 99 та ариза келиб тушди. Уларнинг 70 таси қаноатлантирилди, 7 таси бўйича зарур тушунтиришлар берилди.

Амангалла АЛЛАЙРОВ, Хоразм вилояти ақли бошқармаси бошқаруви башқари ўринбосари.

Ҳуқуқ ва бурч

ФУҚАРО МАНФААТИ — УСТУВОР

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, аввало инсон учун, унинг бахту саодати учун. Зеро, инсонпарвар жамиятимизда фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, манфаатларини таъминлашга бўлган муҳим эътибор туфайли кейинги йилларда суд-ҳуқуқ тизими либераллаштирилди. Жиноятларнинг таснифлавиши ўзгаририлиб, оғир жиноятлар тоифасига кирувчи жиноий ҳатти-ҳаракатлар рўйхати сезиларли даражада қискарди. Суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, судлар томонидан фуқаролар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишининг самарадорлигини оширишга қаратилган ишлар ўзининг катта самарасини берди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кейинги пайтда фуқароларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари учун сўраб, судларга мурожаат этишлари кўпайиб бормоқда. Бу, шубҳасиз, фуқароларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги тобора ошиб бораётгани шарафатидир. Зеро, Бosh Қомусимизнинг 44-моддасида ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, жамоат бирлашмалари мансабдор шахсларнинг гайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи қатъий белгилаб қўйилган. Ушбу қонда умумэтироф этилган халқаро меъёерларга тўла мос келади. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 8-моддасига биноан ҳар инсон унга конституция ёки қонунлар тақдир этган ҳуқуқлари бузилган ҳолда уни ваколатли миллий судлар томонидан тикланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Шундай экан, у ёки бу органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳар қандай қонуний қарори, ҳатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги устидан судга ҳеч қандай тўсиқсиз мурожаат қилиш имконияти эркинликнинг энг муҳим шартидир.

Одил судлов жараёнида ёки уни амалга ошириш яқунлари бўйича қабул қилинадиган судлов ақтлари (жизноят ишлари бўйича ҳукмлар, фуқаролик ишлари бўйича ҳал қилув қарорлари ва ҳоказо)га қонунга мувофиқ алоҳида ҳусусиятлар юкланади. Улардан бири умуммажбурийликдир. Бу қонда Ўзбекистон Конституциясининг 114-моддасида тўла мустақамлаб қўйилган. Унга кўра, "Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир". Бу эса мамлакатимизда одил судловнинг умумэтироф этилган демократик тамойилларга асосланганини кўрсатади.

Н.ХАЙРИЕВ, ТДЮИ ўқитувчиси.

сан, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 8-моддасига биноан ҳар инсон унга конституция ёки қонунлар тақдир этган ҳуқуқлари бузилган ҳолда уни ваколатли миллий судлар томонидан тикланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Шундай экан, у ёки бу органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳар қандай қонуний қарори, ҳатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги устидан судга ҳеч қандай тўсиқсиз мурожаат қилиш имконияти эркинликнинг энг муҳим шартидир.

Одил судлов жараёнида ёки уни амалга ошириш яқунлари бўйича қабул қилинадиган судлов ақтлари (жизноят ишлари бўйича ҳукмлар, фуқаролик ишлари бўйича ҳал қилув қарорлари ва ҳоказо)га қонунга мувофиқ алоҳида ҳусусиятлар юкланади. Улардан бири умуммажбурийликдир. Бу қонда Ўзбекистон Конституциясининг 114-моддасида тўла мустақамлаб қўйилган. Унга кўра, "Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир". Бу эса мамлакатимизда одил судловнинг умумэтироф этилган демократик тамойилларга асосланганини кўрсатади.

Н.ХАЙРИЕВ, ТДЮИ ўқитувчиси.

Касби туманидаги "Турсунов Жамшид Зарипович" фермер хўжалигида айни пайтда иш қизғин. Хўжалик аъзолари пахтадан мўл ҳосил олиш учун тинимсиз меҳнат қилишмоқда. Биргина 2007 йили шартномадаги 14 тонна ўрнига 22 тонна пахта топширилиб, йиллик режа ортиси билан бажарилганлиги хўжалик раҳбарининг печоглик омидкорлигидан даллат беради. Айниқса, тинимсиз изланишлар билан банд

фермер, ўтган йили 2 миллион 995 минг сўм соф даромад олгани фикримиз далилидир. — Бу йили шартномадиз текстарига 30 центнер қилиб белланган, — дейди фермер хўжалиги раҳбари (суратда чапда) Жамшид Турсунов. — Биз эса 60 центнердан топширишни кўзга тутаямиз. Келажакда чорвачиликни кенг йўлга қўйиб, халқимизга гўшт ва сўт маҳсулотларини етказиб бериш мақсадидамиз.



Н. ХАЙДАРОВ олган сурат.

Паррандачилик — етти хазинанинг бири

ПАРҲЕЗ МАҲСУЛОТЛАРИ КЎПАЯДИ

Термизга борганимизда паррандачилик фабрикаси раҳбари Холмамат Нормуродов мақсадиимизни англади-да, бизни корхонанинг режа иқтисод бўлимига етаклади. Корчадан келган, ўрта ёшли, новчагина аёл компьютерда нималарнидир кузатишдан кўз олмасди. Ҳатто у бизнинг кириб борганимизни ҳам пайқамади.

— Фабрикаимизнинг галвирини шу аёл қўлида. Қўллар уни машхур адиб Абдулла Қаҳҳор яратган "Синчалак" асаридеги Саида образига қиёслашди. — дея ҳазил-мутойиба билан таништириб раҳбар. — Ишимизнинг ипидан игнасига унга ёл бўлиб кетган.

Мақтовдан суюнган Гулбаҳор Бобоқуллова гапни фабриканинг 2007 йилги ютуқларидан бошлади: — Утган хўжалик йили жамоамиз ҳаётида алоҳида из қолдирди. Йил давомида 34 миллион 802 минг донга туҳум етиштирилган бўлсак, туҳумдорлик ҳар бир туҳуққа режадаги 190-195 донга ўрнига 226 донадан тўғри келди. Рентабеллик 14 фоиздан ошди.

Режа бўйича минг донга туҳум ишлаб чиқариш учун 2,2 центнер озуқа бирлиги сарфланиши керак эди, — давом этди у. — Бошқа турдаги концентратларни кўпайтириш эвазига 0,4 центнер озуқа бирлиги тежаб қолинди. 25 гектар ер майдонида беда ва маккажўхори етиш-

тириб, улардан беда уни тайёрладик ва концентратлар турини кўпайтирдик.

— Бу йили шартномадиз текстарига 30 центнер қилиб белланган, — дейди фермер хўжалиги раҳбари (суратда чапда) Жамшид Турсунов. — Биз эса 60 центнердан топширишни кўзга тутаямиз. Келажакда чорвачиликни кенг йўлга қўйиб, халқимизга гўшт ва сўт маҳсулотларини етказиб бериш мақсадидамиз.

рика бошқарув раиси, "Дўстлик" ҳамда "Хурмат белгиси" орденлари соҳи-

РАҚАМЛАР:

2007 йили намунали яқунлаган фабрика жамоаси ишлаб чиқаришда иқтисодий тежамкорлик туфайли 724 миллион 405 минг сўмлик миқдорда фойда қўрди. Бунинг 537 миллион 405 минг сўми соф фойда бўлиб, корхона газасига тушди. Ундан 380 миллион 183 минг сўми фабриканинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантиришга, 53 миллион 740 минг сўми инфратузилмалар шакллантиришга, 53 миллион 740 минг сўми эса ишчи ва хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясига сарфланди.

Гулбаҳор Бобоқуллова бизни фабриканинг ишлаб чиқариш илгорлари билан таништирди. Она товуқлар 11 та ва ёш жўжалар 5 та гуруҳга бўлинган. Бу ерда 34 нафар хотин-қиз паррандалар парвариши билан банд. Оператор — товуқбоқар ҳамда жўжа парваришгаётган аёллар ўртасида ўзаро мусобақа йўлга қўйилган. Хуршида Турсунова ўй йилдирки, цех бошқарувчиси. Утган йил 7100 бош она товуқдан 1 миллион 931 минг 690 донадан туҳум олиб, ҳаммага ўрнак бўлди. Замира Дадабоева ҳам илгорлардан.

Фабрикада ишчи-хизматчилар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Алоҳида ювиниш, дам олиш хоналари, ошхона улар хизматиде. — Мақсадиимиз — халқимизнинг парҳез маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондириш, — дейди фаб-

ри Холмамат Нормуродов. — Ҳукуматимизнинг паррандачиликни ривожлантиришга қаратилган қарорлари ижроси йўлида фермер хўжаликларига жўжа етиштириб бериш масъулиятини ҳам ўз зиммामизга олганмиз. Шу кунларда "Сурхондон маҳсулотлари" ҳамда "Сурхонхалтасаноат" корхоналари, орқали Термиз, Ангор, Жарқўрган туманлари фермер хўжаликларига 2 ойлик жўжалар етказиб бераёямиз. Яқинда цехларда жўжича 30 нафар янги ишчи ўринлари ҳам яратдик.

Ха, термизлик паррандабоқарлар етти хазинанинг бири — паррандачилик ривожига йўлида астойдил меҳнат қилиб, эл-юрт дастурхонига қўллаб парҳез маҳсулотларни етказиб беришни ният қилишган. Турсун МАХМАДАНИЕВ, "Адолат" муҳбири.

ДҲНЁ КЎЗГҲСИ


ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШМОҚЧИ

"Ал-Қоида"нинг Афғонистондаги гуруҳлари олиб бораётган кўпроқчилик ишлари раҳбари Мустафо Абу ал-Язид Покистоннинг Гео телеканалига интервью берди, деб хабар қилади BBS News агентлиги.

Ал-Язид журналистларга маълум қилишича, Афғонистоннинг Хост ҳудудида улар билан учрашишга розилик берган. Бироқ учрашув вақти ва аниқ жойини маълум қилмаган. У шу йил 2 июндаги Дания элчихонаси ва Исломободдаги портлатишларни "Ал-Қоида" уюштирганини тан олган. Даниядаги портлатувни мазкур мамлакат матбуотида эълон қилинган қарикатура учун ўч олиш деб изоҳлаган. Шунингдек, ал-Язид 2001 йилнинг 11 сентябрида АҚШда, 1998 йил Кения ва Танзанияда Америка элчихоналари олдида юз берган ноҳуш воқеаларда ҳам бевосита "Ал-Қоида" иштироки борлигини эслатиб ўтган.



МАХАЧҚАЛҲАДА ЗИЛЗИЛА



узоқликда жойлашган зилзила марказида кучлилик 10,7 баллгача етган. Талофатлар ҳақида ҳозирча маълумот йўқ.

Россиянинг мазкур шаҳрида Рихтер шкаласи ўлчови бўлан 3 баллга тенг зилзила рўй берди. Чоршанба кун и эрталаб соат 07дан 15 минут ўтганда сейсмология маркази шаҳарда тўққиз марта ел силқинганини қайд этган. Махачқалъадан 24 қажирим зилзила марказида кучлилик 10,7 баллгача етган. Талофатлар ҳақида ҳозирча маълумот йўқ.

ЖАҲОННИНГ ЭНГ ҚИММАТ КЎЧАЛАРИ


The Forbes журнали Cuslimon / Wokefield консалтинг агентлиги билан ҳамкорликда жаҳоннинг энг қиммат саавдо кўчалари рейтинг рўйхатини чоп этди.

Биринчи ўрин Нью Йоркдаги Бешинчи Аvenues (Fifth Avenue) кўчасига насиб қилди. Эътиборли жиҳати шундаки, бу ерда саавдо ишларини юритишга ижарачи ҳар бир квадрат раста учун йилга 15 минг доллар миқдориде маблағ тўлашига тўғри келади.

Кейинги ўринда Гонконгдаги Causeway Bay кўчаси турирди. Бу ерда бир метр саавдо майдонининг йиллик нархи 12 минг долларга тенг. Учинчи ўрин Париждаги кўчага берилди. Avenue des Champs — Elysees кўчасининг саавдо растасининг йиллик тўлови 9200 доллардан ортироқ туради.

Шундан кейин рўйхатдан жой олган: Лондондаги New Bond Street, Токиодаги Ginza District, Дублиндаги Grafton Street кўчаларининг ҳам саавдо расталари учун ижарачилар йилга (тегишли равишда) 8100, 6800, 6600 доллардан ҳақ тўлашлари кераклиги маълум қилинган. Шунингдек, Цюрихдаги Bahnhofstrasse, Австралиянинг Мельбурнидаги Pitt Street Mall, Афинадаги Ermion Street кўчаларида расталар ҳам рўйхатдан "фахрли" жой олганлар. Энг сўнги ўринни Сеулдаги Gangnam Station кўчаси эгаллаган.

ШВЕЦИЯ МУЗЕЙИДА УҒРИЛИК



айтилмаган. Аммо Associated Press маълумотиға кўра улар 3 миллион крон (ярим миллион АҚШ доллари)ни ташкил этиши мумкин. Уғриларни қидирув ишларининг биринчи босқини ҳеч қандай натижа бермаган. Полиция вакили Томми Андерсон таҳминига кўра, картина ўғрилари Швеция ҳудудидан чиқиб кетган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас...



Стокгольмдаги таниқли актёр Лассе Обергга тегишли хусусий музейдан бир йўла 5 та — Энди Уорхоло-нинг иккита, Роя Лихтенштейннинг учта картинаси ўғирлаб кетилди.

Уғирланган асарларнинг нархи тўғрисида ҳозирча аниқ рақам айтилмаган. Аммо Associated Press маълумотиға кўра улар 3 миллион крон (ярим миллион АҚШ доллари)ни ташкил этиши мумкин. Уғриларни қидирув ишларининг биринчи босқини ҳеч қандай натижа бермаган. Полиция вакили Томми Андерсон таҳминига кўра, картина ўғрилари Швеция ҳудудидан чиқиб кетган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас...

ЖИНОЙИ ГУРУҲ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

— Италияда йирик бир жиноий гуруҳ фаолиятига чек қўйилди. Гуруҳ қўлдан бўён сейфлар ва банкноматларни бузиб, моддий бойликларни ўғирлашдек жиноий ишларни амалга ошириб келган, — дея хабар беради "ИТАР-ТАСС".

Қўлга олинган гуруҳ энг замонавий русумдаги банкноматлар ва кодли сейфлар билан жуда осонлик билан бузиш, очиб ҳадисини олган эди, деб таъкидлашмоқда мамлакат ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари.



Жиноий гуруҳ сўнги икки йил давомида мингдан ортиқ қонунбузарлик ҳолатларини содир этган. Аксарият жиноятлар гуруҳ тўдалари томонидан Италиянинг шимолий ҳудудлари ва Сардинияда амалга оширилган. Қизғин шундаки, тўда аъзоларига масалан, ёниги қуйиш шохобчалари сейфини "тинчтиш" учун бор-йўғи 145 сония керак экан, ҳолос.

Ёз — ўтмоқда соз

ОРОМ ОЛИБ, КУЧГА ТЎЛАР БОЛАЛАР...

Искабоғ туманида соя-салқин ва хушманзарали жойлар кўп. Ишчиликка бурканган мафтункор боғлар, чаман бўлиб очилган турфа гуллар манзараси, жилавланган оқатган зилла сувар шоққини беҳишёр элтиб бори тортади. Ана шундай сўлим масканда жойлашган "Мирзо Улуғбек" болалар оромгоҳи бугун келажакимиз таянчи бўлган ўғил-қизлар билан гавжум.



мунтазам ўтказиб турибмиз.

Дарҳақиқат, оромгоҳда болажонларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, маънавият ва маърифат хоналарининг ёшлар билан гавжумлиги кишини қувонтиради.

Оромгоҳни айланар эканмиз, қувончлари юз-қўзларида балқиб турган ўқувчилар билан учрашдик.

— Мен бу ерда янги дўстлар орттирдим, — дейди касбилик Шавкат Ражабов. — Озод, Шухрат, Аббос қадрдон дўстларим бўлиб қолди. Биз бирга футбол ўйнаймиз, кечкурунлари кино кўраимиз. Хуллас, зерикишга вақт йўқ.

Муборакли Мохинур Мусаевнинг фикрича, "Мирзо Улуғбек" болалар оромгоҳи энг яхши дам олиш маскани. Доно, Феруза, Дурдона, Мухлиса каби дўстлари билан яқин, ҳамфикр. Улар билан биргаликда барча эзгу ишларни амалга ошириш мумкин.

— Бу ерда фарзандларим дам олишяпти, — дейди Чирокчи тумани Пахтабод қишлоғидан келган Абдумалик Пардаев. — Ўзим шифокор бўлиб ишлайман. Бу ердаги шарт-шароитларни кўриб, жуда қувондим. Давлатимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган бундай ғамхўрликдан ниҳоятда хурсандман.

Суҳбатга оромгоҳ раҳбари Қўзи ака Рўзиев қўшилди.

— Дарвоқе, болажонларнинг саломатлигини тиклаш мақсадида ўз соҳасининг етук билимдонли, олий тоифали шифокор Али Эргашев раҳбарлигидаги мутахассисларни жалб этганмиз. Саодат Гафурова, Муаттар Эшонқулова, Лобар Хайдарова сингари ҳамширалар сидқидилдан хизмат қилишяпти. Гулноза Азимова, Машхура Тожиёва, Шоҳиста Бўриева каби тарбиячи-етақчиларимиз ёшларнинг ҳар томонлама камол топишлари учун жонқуяр. Болаларнинг ёзги таътиллари мароқли ўтиши учун барча ишларни амалга оширишга шаймиз.

Тоҳир АБДИЕВ,
Муродулло ГАФУРОВ.
Суратда: Оромгоҳ раҳбари Қўзи Рўзиев дам олувчилар даврасида.

Адолатпарвар одамнинг ахлоқий хислатлари бемалол қонун ўрнини боса олади.
МЕНАНДР.

ИСПАНИЯДАН СОВРИН БИЛАН

Испанияда ўтказилган 49-Халқаро математика олимпиадасида муваффақиятли иштирок этган вакилларимиз юртимизга қайтиб келишди. Улар дунёнинг 97 давлатидан 535 нафар иштирокчи қатнашган мусобақада совринли ўринларни қўлга киритишди. 6 нафар «би математик» Халқаро олимпиадада ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Илк бора 1959 йили ташкил этилган ушбу олимпиадада юрдошларимиз 1997 йилдан буён иштирок этиб келишди.

Бу сафарги бахсларда самарқандлик Диёра Салимова, бухоролик Шерзод Сафоев, Алишер Эшонқулов ва наманганлик Фарход Хайдаров олимпиаданинг бронза медалли ва дипломларини қўлга киритишди. 2 нафар ўқувчи эса 49-Халқаро олимпиаданинг фахрий дипломига сазовор бўлди.

Бу ютуқ мамлакатимиз умумтаълим мактабларида билим олаётган ўқувчиларнинг малака ва қўникмалари йилдан йилга ўсиб бораётганидан далолат беради.

АВТОМОБИЛЛАРНИНГ «БЕРМУД УЧБУРЧАГИ»

Нью-Йоркдаги машҳур бино — Эмпайр-стейт-билдинг атрофидаги ўраб турган ҳудуд шундай аталмоқда

Нью-Йорк ўзининг осмонўпар бинолари билан машҳур. Яна бир эътиборли жиҳат, шаҳарда ҳаёт шу даражада қайнаганки, бир кўрган одамнинг кайта топишингиз амримаҳол. Қўлингизда харита ёки бирор чизма бўлмаса, бир-бирига ўрнатиш билан орасида йўқолиб қолишингиз ҳам ҳеч гап эмас. Мабоодо светофор ишламай қолса борми, ҳақиқий тартибсизлик, тирбандликни шу ерда томоша қилаверинг.

Журналистлар яқинда шаҳардаги энг кўп транспорт «пробка»-сига сабаб бўлувчи омилардан бирини аниқлашди. Унга кўра, сиз суратда кўриб турган Эмпайр-стейт-билдинг биносини атрофдаги ҳар қуни ўнлаб автомобиллар тўхтаб қолади. Тағин айнан шу ерда автомобилларнинг электрон қўлфлари тез-тез ишдан чиқади. Бундай ғайритабиий ҳодисалар майдони осмонўпар бино атрофидаги 5 кварталли радиус билан белгиланган.

Йўл хизмати ходимларининг айтишларича, ҳар қуни бу ерда камида 15 та машина «жонсиз» туради. Қизғини шундаки, автомобил ушбу «ўлик майдон»дан олиб чиқилган заҳоти, моторлар ҳеч қандай муаммосиз ўт олади. «Бир қарашда ҳаммаси жойида: чироклар ёнапти, сигналлар ишляпти, бироқ машина юрмайди, — дейди автомобиль эгаларидан бири «Дейли ньюс» газетасига берган интервьюсида. — Мен бу ерда туриб, вақтим ва пулимни йўқотаман».

* Эмпайр-стейт-билдинг биносининг баландлиги 381 метрни ташкил этади. Бинода уч маротаба ёнгин кузатишган. 1988 йил 13 ва 15 август кунларида 86 қаватдан бошланган ёнгин 102-қаватгача кўтарилган.

* 1990 йилда содир бўлган навбатдаги офат оқибатида 38 киши ҳаётдан кўз юмган.

Мутахассислар фикрича, бу ерда ҳеч қандай ғайритабиий ҳодисалар кузатилаётгани йўқ. Ҳамма гап Эмпайр-стейт-билдингнинг томига қўйилган қўсонли радио ва телеузаткичларда. Осмонўпар бино томида қўллаб-тихорий теле ва радиостанциялар антенналарининг ҳаддан зиёд тўланиб қолиши машиналар моторларининг «чарчаб» қолишига сабаб бўлмоқда.

Б.БОТИРОВ тайёрлади.

Ибратли ривоят

Табиийки, бундай гўзал ва оқила қизнинг ҳаридори бисёр бўлади. Совчилар калавериб, бечора қизнинг эшигини тўздириб юборди. Ота инон-ихтиёрни қизнинг ўзига топишди:

— Мен бир чаласавод қосибман, — деди у, — қизимиз ёш бўлса ҳам оқ-қоранинг фарқида боради. Ўзларинг Уллиби билан гаплашсинлар, қўнглини топанлар, мен қаршилик қилмайман.

Уллиби эса совчиларнинг олдида шарт қўйди:

— Бўлажак қувонинг ўзи келсин. Мен у киши билан икки оғиз суҳбат қурмоқчиман. Агар ўғлингиз бизнинг синонимиздан ўтолса, майли, тўйимизга розилик берай.

Бу ғайритабиий шартни эшитиб, қанча-қанча совчилар эшикдан қайтиб кетди. Қув билан юзма-юз мулоқоти истайдиган қизни келин қилиш уларнинг ақлига сиймасди. Уллибининг ғойибона ошқлари эса битта-битта унинг ҳузурига келиб, синоновдан ўтишга уриниб қўрдилар. Аммо бу доно қизнинг сўроқлари биронта йигит маънилик жавоб бера олмади. Ниҳоят, навбат Фазлиддинга келди. У мадрасада таҳсил олган, Беруний муаллимнинг маҳлисасида иштирок этиб турадиган ақли диллардан эди. Уллиби ҳарир парда ортидан Фазлиддинга енгил разм солди. Йигитнинг юзида фаришаси бордек туюлди. Негадир Уллибининг юраги жиз этди. Барибир у ҳиссиётини жилловлаб, йигитга савол берди:

— Мавлоно, айтинг-чи, ул не маҳлуқдирки, обод ерни хуш кўрмас, харобани ватан тутар, одамизотга душман эрур. Танаси етти жониворнинг суратин эсга солур. Жанобларидан бул чистонининг жавобини куттаймиз.

Уллиби «Хўш, ошуфта йигит» дегандек сирли кулимсиради. Фазлиддиннинг юраги потирилади. У лабини тишлаб, ўйга толди. Лекин ҳаёлига бирон айт-гулик фикр келавермади. У бу сином хонада узукун тургани билан обод ерни хуш кўрмайди-

ган, танаси етти хил жонзотни эслатадиган маҳлуқни тополмаслигига иқдор бўлди.

— Қизойим, — деди у Уллиби-бига қандай мурожаат қилишни билмай, — агар сиздан ижозат бўлса, чистонингизни уйга олиб

— Чистонинг жавоби тайёр. Вале, марҳамат қилиб, сизни синоатга қўйган ўшал зотнинг кимлигини айтсангиз?

Фазлиддин тўрлаб кетди. Бир фурсат дастурхон попуғини уйнаб ўтирди. Сўнг охишга деди:

УЛЛИБИНИНГ ЧИСТОНИ

Қадимий Хоразмда Уллиби деган бир қиз бор эди. У оддий телпакчи қосибнинг қизи бўлса-да, фозил устозлар қўлида тарбия қўрган, шу боис диний ва дунёвий илмларда қосибликка эришганди.

кетсам. Бафуржа ўлтириб очимин топсам. Не дейсиз?

— Икхитерингиз, — деб Уллиби тагин жимлайиб қўйди.

Фазлиддин у кун ётиб-туриб, обдон ўйланди. Тиббиёт китобларини варақлади. Мадрасада бирга сабоқ олган ҳужрадошларидан қўмак излади. Аммо сурати етти хил жонзотни эслатувчи маҳлуқнинг исмини тополмади. Унинг жисми жони ёнди. «Бу муаммони ёлғиз устоз ечади», деди Фазлиддин изтироб ичида ва бош эгиб Абу Райҳон Беруний ҳузурига борди.

Муаллим бир қарашдаёқ шогирдини қандайдир мушкулот қийнаётганини пайқайди. «Сўзланг, ўғлим!» дегандек Фазлиддиннинг юзига мулоим бокди. Йигит минг бир истихоло билан Уллибининг чистонини айтди. Сўнг ур сўради:

— Мени маъзур тутинг, устоз, сиздан ўзга нажоткорим йўқлигига қўзим етиб... муборак оstonангизни хатладим. Беруний қулди:



— Ул бир қизойим эркан, устоз...

Беруний чимирлиди. У набобат ва ҳайвонот олами хусусида рисола битар экан, бу чистонни ўзи тўқиган, аммо у ҳали эл аро машҳур эмас эди. «Бир қизойим. Ким бўлди? Анинг асли-насли

қаердан?»

Шогирдини зиёда мулзам қилмаслик учун Беруний чистон жавобини айтиб қўя қолди. Фазлиддин устоз сўзларини жон қўли билан тинглаб, дилига муҳраб олди.

Бирон ҳафтадан кейин Фазлиддин тагин Уллибининг олдида тика бўлди. Устоз гапини айнан такрорлади:

— Қизойим, сиз сўроғон маҳлуқни чўқиртка (чигиртка) дерлар. Ул обод ерни хушламас, вайронларни ватан тутар ва одамизот душмани эрур. Анинг шакли-шамойили бул турур. Боши отта менгзар, гардани хўкигза менгзар, қанотлари қалхатнинг қанотин эслатур, оёғи теванинг оёғи кабиатур ва қўйруғи илонга ўхшар, қорни эса чийн курсоғини ёдга солур.

Фазлиддин нафас ростлади ва умқидор бўлиб, юпка парда ортида кинояли жимлайиб ўтирган Уллибига қаради.

— Бале, офарин! — деди қиз, — жавобингиз бизга маъқул. Хўш, эса, иймонни ўртага қўйиб айтинг-чи, ўғлон, чистонни ўз ақлингиз билан ечдингизми ва ё бирон зукко зотнинг марҳамати-га муҳтож бўлдингизми?

Фазлиддин индамади, ер чизиб ўтираверди. Уллиби шарт қўйди:

— Бизнинг розилигимиз сизнинг рост ёки ёлғон сўзлашингизга боғлиқ.

— Устознинг ҳузурларига боргон эрдим, — деди Фазлиддин ердан бош кўтармай.

— Андоқ эрса, биронинг ақли бирла муродина етмоқ истаган кимсани нечун ўзимга ҳуфти ҳалол қилгаймен? Инсон умри синовлардан, чистонлардан иборатдир. Бас, бошингизга тушмиш савдонга кўтариб тобайки устоз ҳузурига боргайсиз? Аллоҳ Таоло сизга ҳам фаросат, заковат ато этмаганми? Маъзур тутгайсиз, ўғлон.

Фазлиддиннинг ортидан эшик аста ёпилди.

Саъдулла СИЕВ.

қўрган афзал, — дейди ижодий гуруҳ оператори Анвар Азизхўжаев. — Айни пайтда фильмнинг рус, инглиз ва француз тилларига таржима вариантлари ҳам яратилапти. Насиб қилса, у жаҳон экранларида намойиш қилинади. Бу дегани, дунёдаги миллионлаб томошабинлар Мисрининг ўтмишидаги тарихий обидаларни бугунги қиёфасини ўзбек оператори нигоҳи орқали томоша қилади.

Санъатшунослик фанлари номзоди Сабоҳат Хайитметова режиссёр Эдуард Давидовнинг ижодини тадқиқ этар экан, шундай фикрларни билдирди:

— Эдуард Давидовнинг телефильмлари драматургияси ва композицион қурилиши, бадий ифода воситалари томошабинда ўтмиш цивилизацияси ҳақида тўлиқ таассурот ҳосил қилади. Юксак бадий ифода, образли қурилиш юртининг бой тарихий-маданий ўтмиши ва бугунги кун ҳақида томошабинга тўлиқ маълумот беради. Профессонал дид билан танланган мусиқа асарининг бадий қийматини оширади. Оператор камераси эса қизикли ракурслар, янги қирралар топа биладики, бундан телефильмлар янада мукамаллик касб этади.

Хужжатли ва телевизион бадий фильмлар режиссёри Эдуард Давидовнинг серирира ижодини, ибратли ҳаётини санъатшунос олимлар ҳали қўп бор талқин этадилар. Зеро, унинг ижоди тадқиқ этишга, ўрганишга муносибдир.

Ҳаёт ОЛИМОВА.

Ҳар тўғрида

Абу Али ибн Синонинг ёзишча, у буюк юнон файласуфи Аристотелнинг «Методизика» китобини 11 мартаба ўқиб тушуна олмаган.

ИБН СИНО АРИСТОТЕЛНИ ҚАЧОН ТУШУНДИ?

У бундан маънос тортиб, ҳафсаласи пир бўлиб, китобини анчайин муддат тоқчага ташлаб қўйган. Қўнларнинг бирида у бозордан ўтиб кетаётганида камбағал, бечора, афтоҳол бир киши қўлидаги китобни одамлардан сотиб олишларини ёлвориб сўраб турганини, ёврга бир бурда нони ҳам йўқлигини айтиб зорланаётганини кўриб қолибди.

Ибн Сино раҳми келиб, китобни кўриб ҳам ўтирмай сотиб олибди. Уйга келиб варақлаб кўрса, у ўзи излаб юрган, Фаробийнинг Аристотелнинг «Методизика» китобига ёзган шарҳи экан. Буюк олим китобни бир марта ўқиб чиқишдаёқ Аристотелни тушуниб, уни тўла ўзлаштириб олган. Шундан кейин у азабойи хурсанд бўлганидан юртга катта зиёфат ҳам берган экан.

Тўловчи Замои АЛИ.

ADOLAT

ИЖТИМОЙИЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СДП СИЁСІЙ КЕНГАШИ

www.adolat.uz

Бош муҳаррир Холтўра ШАҒОАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
0018 рақамли билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибят
— 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими — 236-55-64

Маянзи: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир хайъати

Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Шермат ШАМСИЕВ,
Иқбол МИРЗО, Светлана ОРИҚОВА,
Турсунали ҚЎЗИЕВ, Мукаррамхон АЗИМОВА,
Тургўлпал ДАМИНОВ, Жуманиё АЛИБЕКОВ,
Равшан ХАЙДАРОВ, Камол АЛЛАЕВОВ,
Мамазоир ХУЖАБЕРДИЕВ, (Бош муҳаррир ўринбосари),
Исмонил САИФНАЗАРОВ, Талъат МУРОДОВ,
Собир ТУРСУНОВ.

Газета таҳририят компьютер марказида шайфаланган

• «Адолат»дан кўчириб босиш факат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t — Тижорат мақсадлари белгисиз.

Нашр индекси — 100

Навбатчи муҳаррир — Матқуб НАРЗИЕВ
Навбатчи — Фарход ЭСОНОВ
Саҳифаловчи — Собирхон ТУҒАНОВ